



Оила — суд ҳимоясида 2

Кимга кулги бўлаяпсиз? 4



5

Тақдирлар туташ, кўнгиллар эса... 6



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Шавкат Султонов сурат-лавҳаси.

*Бағрим баҳорида очилган ғунча,
Куртак кулгусидек ширинсан бунча!*

2012 йил —

Мустаҳкам оила йили

ҲИММАТГА МЕҲР КЕЛДИ, ЁР-ЁР...

*Кўшни уйга келин
келди, ёр-ёр,
Келин билан меҳр
келди, ёр-ёр...*

Эшитаяпсизми, ёр-ёру карнай-сурнайлар садоси тўрт тарафга таралаяпти. Демак, тўй бошланыпти! Бировнинг кипригида авайлаб, эркалаб ўстирган нуридийдаси, гўзал келинчак эпию сепи билан ял-ял товланиб суюкли ўглингизнинг ёнида кутлуг остонангизга қадам босаяпти. Тўйлар муборак бўлсин!

3

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ГАЗЕТАСИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

муносабати билан барча профессионал ва ҳаваскор сураткашларни ижодий беллашувга чорлайди!



“ФАРОФАТ ҚАСРИ” танловига ибратли оилалар ҳаётдан фотолавҳалар, инсон умрининг энг гўзал лаҳзалари, болаликнинг ширин онлари муҳрланган суратлар қабул қилинади.

Бу ижодий беллашувнинг ўзига хослиги шундаки, сиз фотоасарларингизни йил давомида бир неча мартаба исталган вақтда, исталган миқдорда юборишингиз мумкин.

Муҳими — сифат ва савия!

Гапнинг индаллосига ўтсак, мукофотлар ҳаммани қизиқтириши тайин. Совринларимиз ҳам антиқа:

Телевизори йўқларга — ТЕЛЕВИЗОР, қўл телефонисиз юрганларга — ҚўЛ ТЕЛЕФОНИ, DVDсизларга — DVD, фотоаппарати йўқларга эса... и-я, бунақалар танловда қатнаша олмайди-ку! Яна аллақанча рағбатлантирувчи мукофотларимиз ҳам бор. Хуллас, кимга нима керак бўлса, муаммосиз!

Айтганча, ўзингиз ҳақингизда маълумот, паспорт нусхаси ва бир дона расмингизни ҳам қўшиб жўнатиш эсдан чиқмасин. Фотоасар қахрамонлари тўғрисида қисқача ахборот ёзиб юборсангиз-ку, нур устига нур бўларди!

“ФАРОФАТ ҚАСРИ” фотосуратлар танлови Бош Қомиссиянинг 20 йиллиги арафасида яқунланади ва... голибларга, ваъда этилганидек, совға-саломлар топширилади.



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

ОИЛА – СУД ҲИМОЯСИДА

Юртбошимиз 2012 йилни “Мустақкам оила йили” деб эълон қилганида, аввало, халқимизнинг азалий қадриятларини инобатга олгани шубҳасиз. Бу тамойил Конституциямизда ҳам мустақкамлаб кўйилган бўлиб, жумладан, 63-моддада оила жамиятнинг асосий бўғини экани, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида таъкидланган. Оила кодекси ҳам оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича конституциявий меъёрларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида судларга оилани мустақкамлаш, эр-хотинлар ва фарзандларнинг қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилган.

Оила кодексининг 40-моддаси талабига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судда эр ёки хотиннинг аризасига биноан қўрилади. Бунда, аввало, эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш эътиборга олиниши лозим. Суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат белгилашга ҳақли. Оилани сақлаб қолиш мақсадида иккинчи марта яна олти ойгача муҳлат берилиши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда ушбу тамойилларга асосланиб, Тошкент вилояти, туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. 2011 йил давомида 3781 та (2010 йили 3721 та) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилган бўлиб, 2091 таси бўйича даъво аризалар қаноатлантирилган. Қолган 1690 та муурожаат бўйича эса етарли асослар бўлмагани сабабли даъво талаблари рад этилган ёки эр-хотин ярашиб олгани боис ишлар ҳаракатдан тўхтатилган.

Судьяларимиз имкони борича оилаларни сақлаб қолишга ва етарли асосларсиз никоҳдан ажратишга йўл қўймайликка интилади. Оиланинг барбод бўлиши сабаблари аниқланиб, эр-хотиннинг нолойиҳ хатти-ҳаракати ҳамда оиланинг парокандалликка юз тутишига таъсир

қилган бошқа шахслар устидан алоҳида ажримлар чиқарилаёпти, тарбиявий характерга эга чоралар кўриляпти.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти ва туманлараро судлари 2011 йил давомида 1064 та (2010 йили 834 та) иш бўйича эр-хотинга ярашиб олиш учун 6 ойгача муҳлат берган. 330 та хусусий ажримлар чиқарилиб, оилавий келишмовчиликларни ҳал этишга кўмаклашиш учун эр-хотиннинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги хотин-қизлар кўмиталарига, маҳалла фуқаролик йиғинларига жўнатилган.

Оила ва никоҳ мавзусида аҳоли орасида 11 та давра суҳбати уюштирилди. Матбуотда 3 та мақола чоп этирилиб, радио орқали 1 марта чиқиш қилинди. 43 та сайёр суд мажлиси ўтказилди. Натижада, кўплаб эр-хотинларни яраштиришга ва оилаларни сақлаб қолишга эришилди. Масалан, даъвогар Наргис Норбоева Анвар Эрқабоевга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилган эди. 2011 йил 11 январдаги ажримга асосан тарафларга ярашиб олиш учун 6 ой муҳлат берилди. Кўрилган чоратadbирлар ўз самарасини берди. Даъвогар Наргис Норбоева судга ариза билан муурожаат қилиб, турмуш ўртоғи билан ярашиб кетгани, ҳозир бирга яшаётгани боис даъво аризасидан воз кечишини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорининг талабларига асосан, оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга кўра келиб чиққан низолар, эр-хотиндан бирининг ёки икковининг оилавий муносабатни давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди. Масалан, даъвогар Бахтиёр Зоитов жавобгар Дилноза Зоитовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво ариза билан муурожаат қилган. Суд эр-хотин 2008 йили қону-



ний никоҳдан ўтиб турмуш қургани, ўртада 1 нафар вояга етмаган фарзанд борлиги, жавобгар оиласини сақлаб қолмоқчилигини эътиборга олиб, 2011 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризани ҳақли равишда рад қилган.

Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган болалари йўқ эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлса, суд иш юритишни тугатиб, тарафларга ФХДЭ органига муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим. Масалан, даъвогар Жўрабек Эргашев жавобгар Гулнора Эргашевага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво кўзгатган. Суд мажлисида юқоридаги ҳолат аниқлангани боис ҳудди шу тартибда иш тугилди.

Оила кодексининг 39-моддасига биноан, эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида унинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзга-тишга ҳақли эмас. Ушбу қоида боланинг отаси деб қайд этилмаган, бола ўлик туғилган ёки бир ёшгача яшамай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилинади.

Даъвогар Умид Раҳимов жавобгар Зилола Раҳимовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилган. Суд мажлисида улар 2009 йилнинг октябр ойи-

да қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани, оилага қайнона — эрнинг онаси аралашгани учун ўзаро келишмай қолишгани, даъвогар жавобгарни ҳомиладорлик вақтида 2010 йилнинг март ойида уриб ҳайдагани, 5 ойдан бери бирга яшашмаётгани, ҳозирда хотиннинг 8 ойлик ҳомилиси борлиги ва никоҳдан ажралишга норозилиги аниқланди. Шунга асосан суд ажрими билан иш юритиш тугатилди.

Яна кўплаб ҳолатларда эр-хотин ўзаро ярашиб олиб, суд мажлисига келмаслиги даъво аризасини кўрмасдан қолдиришга асос бўлмоқда. Шу маънода маҳаллий ҳокимият органлари, хотин-қизлар кўмиталари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш ниҳоятда муҳим. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз — оилаларни мустақкамлаш, соғлом муҳитни вужудга келтириш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг, айниқса, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялашдир.

Абдурахмон САФОЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилоят судининг
судьяси.

ҚУВОНЧ МАСКАНИ Соғлом она — соғлом бола

Жиззах шаҳридаги 90 ўринли акушерлик комплекси замонавий бинода жойлашган. Кенг ва ёруғ, шинама хоналари халқаро андозаларга мос тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, она бўлиш остонасида турган аёлларга, уларнинг эсон-омон фарзандли бўлиши учун зарур барча шарт-шаро-

— Ўтган йили комплексимизда 3992 нафар чақалоқ дунёга келди, — дейди бош шифокор Дилдора Рашидова. — Уларнинг аксарияти соғлом туғилди. Мухими, йил давомида оналар ўлими қайд этилмади, чақалоқлар ўлими эса 5 промилдан ошмади. Яна бир хайрли жиҳати, акушерлик комплексимизни ЮНИСЕФ “Чақалоқларга дўстона муносабатда бўлган жамоа” дея эътироф этди. Бундан руҳланган шифокорларимиз халқимизга куну тун беминнат хизмат кўрсатишга бел боғлашган. Шунингдек, саломатлик кўрсаткичларини мутасил яхшилаб боришга, туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият беришга ҳаракат қилишяпти.



Мустақкам оила йили муносабати билан яқинда мазкур комплекс қошида туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш маркази очилди. Айни пайтда бу ерда туғиш ёшидаги аёлларда учрайдиган камқонлик, буйрак фаолиятидаги етишмовчиликлар, юрак-қон томир касалликлари даволанмоқда. Беморларга малакали тиббий маслаҳатлар берилмоқда.

Донул ЖўРАЕВА
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Жиззах вилояти.

Хабар

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси “Мустақкам оила йили”да болалар саломатлигини тиклаш бўйича халқаро ташкилотлар билан бир неча ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирган.

2011 йилнинг 29 август куни “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ва Кореянинг “Save the Children” ташкилоти келажақдаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан битим имзолаган эди. Келишувга биноан, “Save the Children” хайрия ташкилоти Тошкент педиатрия клиникасига муруват ёрдами сифатида қиймати 100 000 АҚШ



ЮЗ МИНГ ДОЛЛАРЛИК МУРУВВАТ ЁРДАМИ


долларига тенг тиббиёт анжомлари, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, юрагида туғма нуқсонли бор болаларни операция қилишда ишлатиладиган 200 донна оксигенатор ва зарурий воситаларини етказиб беришни ўз зиммасига олган.

2011 йил 1 октябрда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасига дастлабки 50 донна оксигенатор ва унинг зарурий воситалари келтирилди. 2012 йилнинг февраль ойида эса операция ва реанима-

ция хоналари учун махсус замонавий тиббиёт жиҳозлари олиб келиниши кутилмоқда.

Жамғарма ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган руйхатга мувофиқ, Тошкент педиатрия клиникасида 2011 йил 23 октябрдан бери юрагида туғма нуқсонли бор 16 нафар бола операция қилинди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.



итлар, қулайликлар яратилган. Саломатлик масканида 20 нафар олий тоифали шифокор, юздан зиёд малакали тиббиёт ходимлари “Соғлом она — соғлом бола” дастури асосида фаолият юритишмоқда.

Бу ёқимли хушхабар, бу ширин хаяжон эзгуликдан, яна бир бахтли оила дунёга келаётганидан дарак эмасми? Кўнгиллар шодлик, ҳавас, ифтихорга тўлади. Ҳа, инсониятнинг боқийлиги, жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши, энг аввало, оиладан бошланади. Оила бу — кичик ватан, муқаддас кўрғон. Эртанги кун эгалари камол топадиган буюк мактаб!

Президентимиз 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб номлаганларида бир дунё ҳикмат, маъно бора. Зеро, бу эътироф юртимизда оила институти ҳар доим давлатимиз ҳимоясида, эътиборида эканини яна бир бор тасдиқлайди. Табиийки, асосий мақсад оила фаровонлигини янада ошириши, "жамиятнинг асосий бўғини" олдидан турган долзарб вазифаларни ҳал этиши ва, энг муҳими, тарбиявий муаммоларни кенг жамоатчилик билан ҳам-жихатликда бартараф қилишдан

УЙИНГИЗГА МЕҲР КЕЛДИ, ЁР-ЁР...

иборат экани халқимизни гоят қувонтирди. Му-болагасиз ай-тиш мумкинки, бу давват ҳар биримизни дав-лат аҳамиятига молик бу маса-лага жиддий масъулият би-лан, жон фидо-лик ва маънавий огоҳлик билан муносабатда бўлишга чор-лайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, зук-о аллома, ада-биётшунос

Озод Шарофидиновнинг "Му-ҳаббат кунда керак" мақоласида-ги ушбу ҳикмати сўзларни эс-лаш ўринли деб ўйлайман: "Оила қуриш дегани — севимли аёл, ту-гилажак фарзандлар масъулият-ини ихтиёрли равишда зимма-га олмақ ва бутун умр мобайни-да уни обод этиб бормоқ, демак-ди. Бунинг учун эр хотиннинг эри бўлибгина қолмасдан, мард, бағри кенг, бошида дўпписи, кўксига ёли, белида белбоғи бор эркек бўлмоғи зарур. У биринчи навбатда хотинини, бола-чақала-рини ҳеч нарсага зориқтирмас-лиги, оиланинг еб-ичиши, кийим-кечаги, бошлангани тўла таъ-мин этишга керак. Ва бир умр жамла ҳай беришни ўрганишдан тўхтаман".

Демак, оила қуришни ният қилган ҳар бир йигит ўзига-ўзи савол берсин: хўш, менинг ўзим эртага ана шундай хусусиятлар эгаси бўла оламанми? Зиммам-даги шарафли вазифани, оғир мажбуриятни бажариш кўлимдан келади-ми? Бундай жиддий са-волларнинг жавоби ижобий бўлса, қандини урсин.

Эътироф этиш керак, биз ало-ҳида таъкидлаётган ҳаётини да-стуриламалга, аввало, Озод Ша-рофидинов домланинг ўзлари қатъий риоя қилган. Севимли рафикаси билан кўша қариб, солиҳ ва солиҳа фарзандларни вояга етказишди. Шарофатхоним ҳам оқила, меҳнатқаш, бардош-ли ва тежамкор аёл сифатида олимнинг суянч тоғи, илҳом па-риси бўлган...

Бундай унутилмас меҳру му-ҳаббат соҳиби, мустаҳкам оила

устуни деган номга сазовор бўлмоқ учун машаққатли ҳаёт йўлини фидойилик билан босиб ўтиш керак. Фафур Фулом, Ой-бек ва Зарифа Саидносирова, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Абдул-ла Орипов, Эркин Воҳидов син-гари ўнлаб адибларимиз ҳаёти-дан ҳам бундай ибратли мисол-ларни келтиришимиз мумкин.

Хўп, биз номларини санаган ёки мамлакатимизда оилапар-варлик боҳида танилган инсон-лар қандайдир олий ўқув юр-тини битиришганми? Йўқ, албатта, уларнинг ҳаммаси сиз ва биз қатори оддий оилада туғилиб, ота-она тарбиясини кўриб катта бўлган, бир сўз билан айтганда, "оила университети"да таҳсил олган.

"Феъл-атворимиз тўғри кел-

севги изҳор қилишга шошилмай-ди. Уларнинг одоби, бир-бирига самимий ҳурмати, тириклик, иход ҳақидаги тушунчаларининг ўхшашлиги бора-бора дўстлик ришталарини боғлайди. Улар ўқиб ўрганиши, олий ўқув юр-тарини битириб, ҳаётда ўз ўрин-ларини топа билиши ва ота-она розилигига эришиши энг асо-сий масала деб билади. Бунга эришгунча эса орадан тўққиз йил вақт ўтиб кетади. Ойбекнинг Тошкентдан узокда Ленинградда ҳаққин даврлари ҳам уларнинг ҳақиқий муҳаббатининг имтиҳондан ўтказган эди. Шунинг учун ҳам улар тўйдан сўнг ҳар қандай оғир ва машаққатли синовлардан му-ваффақиятли ўтди.

Меҳр муҳаббатга

лик тўла қалбим,

Қалбига солганман,

бахтим шундандир...

Зарифахоним ўзининг ён дафтарига ёзиб қўйган ва бугун-ги кунда халқимизнинг маънавий мулкига айланган бундай самим-ий, сеҳрли сатрлар қанчалар ҳузурбахш. Ойбек домланинг ҳам Зарифахонимга атаб битган шеър-ларига таъриф-тавсиф йўқ. Не тонги, бу икки фариштасифат зот бир-бирининг тонгдек му-саффо қалбини эзгулик нури би-лан чарогон эта олган эди...

Кейинги пайтда катта-кичик давралар, йигин-машваратларда қайнона-келинлар масаласи жид-дий мавзуга айланиб бораёпти. Ҳаётимиз тинч, фаровон бўл-гани, келин келиб уйлари нурга тўлгани сайин айрим қайноналар, баъзи келинлар ҳам ношукрлик қилишяпти. Йўқ, азизлар, энди бундай кулгили ва, ўз навбати-да, аянчли воқеаларга томоша-бин бўлиб ўтиришнинг вақти ўтди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, айниқса, маҳалла мутасад-дилари, ҳар биримиз келин ту-шираётган аёлни қайноналик санъатидан, сир-асроридан ха-бардор этайлик, билмаганини ўргатайлик. Керак бўлса, тажри-басиз она ували-жували, феъли чиройли қайноналардан икки оғиз маслаҳат олсин, ўргансин. Солиҳа қайнона бўлишга, биров-нинг боласига янги хонадон тар-тиб-қондаларини сабр-қаноат ва кунт билан ўргатишга тайёрлан-са, бунинг сира кулгили жойи йўқ. Келин кўриш шарафига муассар этган Оллоҳга шукр қилиб, бор меҳрини кўшқўллаб қарзга бер-са, эртага бу кўргизган оқибати ўзига икки хисса кўпайиб қайта-ди-ку!

Қўшни уйга келин

келди, ёр-ёр,

Келин билан меҳр

келди, ёр-ёр...

Эшитаясизми, ёр-ёру кар-най-сурнайлар садоси тўрт та-рафга таралаяпти. Демак, тўй бошланаяпти! Бировнинг киприги-да авайлаб, эркалаб ўстирган нуридийдаси, гўзал келинчақ эпюно сепи билан ял-ял товланиб суюкли ўғлингизнинг ёнида кутлуг остонангизга қадам боса-япти. Тўйлар муборак! (Ишқилиб, келинга ҳам Яратганининг ўзи ин-соф, ибо-ҳаё бергани рост бўлсин-да.)

Муҳтарам қайнона, азиз қай-нона! Бугун уйингиз нурга тўлди. Келин билан бу гўшага файзу барака кириб келди. Энди сиз-нинг кутлуг сулолангиз давом этади. Неवारаларнинг номин-гизни эл-юртга танитади. Насиб этса, улар жамиятимизга, давлатимизга қанот бўлади, суянч бўлади. Сизга, бизга, ҳаммамиз-га яна бир мустаҳкам оила му-борак бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА

ЯНГИ ҲОВЛИ МУБОРАК!

Работак маҳалла фуқаролар йигини масъ-ул котиби Эркин Жўраевнинг машинасида Бухоро туман ҳокимлиги биносидан чиқиб, тўғри Қўлба қишлоғига йўл олди. Катта кўча-нинг ўнг томонида замонавий лойиҳалар асо-сида қурилган шинам турар-жойлар ҳар қан-дай кишининг эътиборини тортади. Мамла-катимиз Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой кўламини кенгайтиришга оид қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асо-сида бу қишлоқда ҳам 70 оилага мўлжал-ланган уйлар қурилиб, фойдаланишга топши-рилди.



— Худудимизда 3866 на-фар аҳоли истикомат қилиб, 2000 нафардан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади, — дея изоҳ беради ҳамро-ҳимиз Эркин ака. — Уларни иш билан таъминлаш бора-сидаги саъй-ҳаракатлари-миз кўнгилдагидек ташкил этилган бўлса-да, лекин оила бекаларини кўпдан буён ўйлантириб келаётган айрим ноқулайликлар мана шу ажойиб турар-жойлар қурилганидан сўнг барҳам топди. Хонадон соҳиблари 2012 йилни янги уйда кутиб олишди.

Шундай ҳовлилардан бирида яшаётган техника фанлари номзоди Жамол Ўринов бизни ичкарига чор-лар экан, шодмон кайфият-да шаҳардаги шарт-шаро-итлардан деярли фарқ қил-майдиган қулайликларни бирма-бир таърифлай кет-ди.

— Илгари кўп қаватли уйда яшардик, — дейди оила бекаси Қумри Тошева. — Менинг ўзим 25 йилдан бери 12-мактабга таълим муас-сасасида ишлайман. Энди кўникаямиз, оддий мисол, сув олиб келиш учун челақ кўтариб кўчага чиқмаймиз. Жўмракин бурасак, иссиқ ва совуқ сув оқиб турибди. Ша-ҳардан набиралар келишса, катта ва иссиқ хоналарда маъза қилиб ўйнашди. Бун-дай қулайликларни яратиб бераётган давлатимизга минг раҳмат!

Дарвоқе, "Қишлоққури-лишбанк"нинг Галаосиё филь-лиали томонидан имтиёзли кредит ҳисобига барпо этилган бир-биридан чи-ройли ва кўркам турар-жой-лар қишлоқ кўрқига кўрқ қўшиб турибди.

Работак ва Қўлба қиш-лоқларида 3 та илм маска-ни бўлиб, уларда 700 на-фардан ортқ болалар таъ-лим-тарбия олишади. Хо-

тин-қизларни иш билан таъ-минлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқ-да. Масалан, Солиҳа Жали-ловага қарашли "Оқсарой" савдо ишлаб чиқариш кор-хонасида аёллар пардозхо-наси, эркеклар сартарошхо-наси фаолият кўрсатаётган бўлса, Зайнаб Нарзуллаева оиласида миллий хунарман-дчилик, Майрам Муҳидди-нова хонадони эса патдўз-лик билан машғул. Шоҳса-нам Жўраева оиласи бич-чиш-тикиш билан банд бўлса, Ҳалима Халилова раҳбарлик қилаётган "Со-бир" хусусий корхонасида маҳалланинг бир неча хо-тин-қизлари қандолатчилик махсулотлари ва пишириқ-лар тайёрлаб, аҳоли дастур-хонини тўқин қилишяпти.

Айни пайтда кексалик гаштини сурётган дуоғуй отахон ва онахонлардан Рах-мон бобо ва Истат буви 63 йилдирки, тинч-тотув тур-муш кечириб, қишлоқдошлар-ига намуна бўлиб келишя-пти. Тўққиз фарзанд, 52 на-фар неварачекараси улар-нинг насиҳатларини олиб кам бўлишмапти. Томорқа-дан олинаётган даромад да-стурхонни беэмоқда.

Шуниси эътиборга ло-йиқки, бу қишлоқларда тўй-ҳашамлар камчиқим, наму-на ва тартибли ўтиши би-лан ҳам киши эътиборини тортади. 200 та ёш оила-нинг асосий даромади ай-нан томорқа ҳўжалигидан экани ибратлидир. Бундан ташқари, 2 та қишлоқ врач-лик пункти, мактабга таъ-лим муассасаси аҳоли са-ломатлигини муҳофаза этиш ва келажақ авлоднинг тарбиялаш йўлида хизмат қилаётир.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият"
муҳбири.
Бухоро вилояти.

Ёшлари етмишни қоралаган Файзулла ота билан кўп суҳбатлашаман. Гурунгимиз мавзуси ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисалардан бошланиб, мамлакатимиз ҳаётига оид ўзгариш, янгиликлар, аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, жумладан, кексалар ва ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида бўлади. Энг кизиги, ана шу мулоқот баҳосида отахон бугунги ёш авлод вакиллари тарбияси билан боғлиқ айрим нуқсонларни ҳам куйиниб гапирди.

— Куни кеча бозорда бир йигитнинг бурни ва қулоғига алламбалолар тақиб олганини кўриб, ёқамни ушладим. Ҳа, энди қиз-жувонларга тақинчоқ ярашади, буни тушунса бўлар, лекин эркак кишининг бундай аҳволга тушиши... яхшилик аломати эмас. Ё бўлмаса, айтинг, мен замондан орқада қолдимми? Гапларим нотўғрими? Бундайларнинг ота-онаси соппасоғ боласи темир-тақа осиб олганини кўриб бир оғиз “Ҳой,

КИМГА КУЛГИ БЎЛАЯПСИЗ?

ёхуд татуировка — белги ва
тамғалар хусусида



сенга нима бўлди, ўғлим. Бу нима қилиқ?” деб сўрамайдими? Эслаймани, бир замонлар, бизнинг ёшлик давримизда қамокдан ёки ҳарбий хизматдан қайтган айрим олифталар кўл ёки баданига чизилган турли кўринишдаги “белги” ва “тамға”лари билан мактабни юрарди. Ҳозир-чи? Умуман, тушимизга ҳам кирмаган бачкана нарсаларни чизиб, тақиб юрганлар қаердан пайдо бўлапти, ўзи?

Отахоннинг куйиниб айтган гапларини эшитиб, кейинги пайтларда кўпроқ ёшлар орасида урфга айланаётган бундай салбий кўсурлар хусусида ўз кузатувларимни изоҳлашга уринаман. Лекин Файзулла ота секин ачинганча бош чайқайди: “Аттанг, Оллоҳ томонидан инъом этилган жисму жонимизни бу даражада азоблашнинг эр-тага жазоси бор-ку!”

Дарвоқе, бугунги мавзуйимиз татуировкалар, яъни ҳозиргина тилга олинган “белги” ва “тамға”лар хусусида. Аёнки, аксарият кишилар бу ёт маданият намунасини “замонавийча” татуировка деб аталишини билишмайди. Баъзи манбаларда бу ҳақда айрим маълумотлар бор. Масалан, бир китобда татуировканинг қадимий кўринишлари ибтидоий жамоа тузуми даврида қабилалар орасида вужудга

келгани ёзилган. Бири иккинчисига жисмонан ўхшашлиги шаклан ва бир хил кийингани сабабли ҳам қабила аъзоларининг бошқа қабиладан ажралиб туриши ҳамда ҳукмини ўтказганлар бўйсунувчилар вакилини таниб олиши учун ҳам асқотган. Айнан ушбу мисол қанчалик кўпол бўлса-да, лекин бизнинг тарихимизда инсонга эмас, балки чорвага нисбатан ота-боболаримиз “белги” ва “тамға”лардан (қулоқ тешиш, кешиш, рақамлаш, турли хил ранглаш ва бошқа) кенг фойдаланишган. Сигир ва қўй-қўзилар бошқа пода-сурувга аралашганда ёки йўқолиб қолганда таниб олиш учун имконият яратиш мақсадида бундай чорадан фойдаланишган. Яна бир манбага кўра, қулдорлик тизими даврида қуллар турли “белги” ва “тамға”лар босилиб, кимга тегишлилиги аён қилинган. Биз ўтмиш манбаларининг қайси бир сачи-фасини қидирмайлик, ҳеч қачон бугунги кундагидек ўзини, танасини кўз-кўз қилиш мақсадида бу каби усуллардан фойдаланилмаганига амин бўламиз. Баданига турли ёзув ва безакларни чиздираётган йигит-қизлар татуировканинг нақадар қулғили тарихидан хабардормикун?

— “Гўзаллик салони”мизга татуировка қилдирмоқчи бўлиб келаётганларнинг аксарияти

17–25 ёшдаги йигит-қизлар. Улар орасида ўсмирлар деярли кам, — дейди пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган космолог-услубчи Аня. — Бизда ёшларга, айниқса, 18 ёшга тўлмаган миҳозларга ота-онасининг руҳсатисиз хизмат кўрсатилмайди. Аммо, аминманки, ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган айрим ҳамкасбларимиз салонда бўлмаса, ўз уйи-



Мавзу

ни чиздирганларнинг психологик жиҳатига ҳам эътибор қаратиш зарурга ўхшайди. Ёки келин-куёвлика танланаётган номзодлар хусусида ҳам шундай мулоҳазани айтиш керак. Бу каби ҳолатлар ҳар қандай кишида салбий муносабат пайдо қилиши мумкин-ку! **Биринчидан**, уларда ақлий заифлик кайфияти юқорилиги, **иккинчидан**, худбинлик, унга атрофдагиларнинг фикри аҳамиятсизлиги, маънавийтсизлик тарғиб қилишга майли борлиги, **учинчидан**, ўзига ва ўзгаларга нисбатан раҳм-шафқат ва меҳроқибат ҳисси сустигини сезиш қийин эмас.

Зебо ҚОСИМОВА, психолог:

— Татуировка жамиятда ижтимоий ахлоқий нормаларга зид равишда талқин этилади. Чунки инсон қалбида агрессив

туйғуларнинг, тажовузкорликнинг шаклланишига сабаб бўлиши билан бирга, онг остидаги англамаган қизиқишларнинг уйғонишига олиб келади. Бу эса ўспирин ва ўсмирда ўзида синаб кўриш мойиллигини келтириб чиқаради. Вояга етиш жараёнида “янгича санъат”дан фойдаланиш, унга тақлид қилиш салбий

хулқ-атвор шаклланишига сабаб бўлади. Онгли, соғлом фикрли одам ҳеч қачон ўз танасини “ижод объекти”га айланиши учун изн бермайди.

Бугун, сир эмас, “оммавий маданият” нафақат бизнинг, балки дунёдаги манаман деган давлатларнинг ҳам энг катта “бош оғриғи”га айланиб бора-япти. Табиийки, ҳар бир миллат ва элат азалий урф-одатлари ва маданиятини сақлаган ҳолда, келгуси авлодларнинг ҳам қадриятларга амал қилишини истайди. Бизнинг юртимизда ҳам бевосита Президентимиз раҳнамолигида келажатимиз эгалари бўлиши ёш авлодининг баркамол бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олишига давлат сиёсати даражасида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шундай экан, биз қайси ёшда эканлигимиздан қатъи назар, ўзимизнинг ҳаёт ва турмуш тарзимиз, яшаш кўникмаларимиз, одоб-ахлоқимиз даражасини миллий аъналаримиз мезони билан ўлчаб кўрайлик. Агар бугун тилга олинган ноҳус мисолларга ёшликка хос ўткинчи бир ҳолат, деб бепарволик билан муносабат билдирсак, эртага ўзимиз афсус-надомат чекиб қолишимизни ҳам унутмайлик!

Азизбек АМОҲОВ



ДАРБАНД – юртимизда шундай жой номлари ҳам бор. “Дарбанд” сўзи “бўсаға”, “эшик олди”, “тоғдан ўтадиган йўлнинг қиравериш жойи” деган маъноларни англатади. Шунингдек, тарихимизда “дарбандлик” деган сўз “қамал”, “қуршовда қолмоқ” деган мазмунни билдирган.

**Сенки ул ён азимат
эткундур,
Чунки дарбанд ичига
еткундур.**

Алишер Навоийнинг
“Садди Искандарий”
достонидан

МАШҚ – тилимизда фаол қўлланадиган, ўрганиш, талақа ҳосил қилиш учун такрор-такрор амалга ошириладиган ҳаракат, фаолият мазмунини ифода қиладиган “машқ” сўзи аслида “ҳуснихат”, “расм чизиш учун намуналар” деган маъноларни англатган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўзнинг туб илдизи “таради” деган маънони билдирган. Шунингдек, “машқ” сўзининг тилимизда “чолғу куйи ва унинг ижроси” деган маъноси ҳам бор. “Ўқитувчи, устоз, уста” маъноларида ишлатиладиган “машшоқ” сўзи ҳам “машқ”дан келиб чиққан.

**Узоқ машқлар бекор
кетмаган эди. Хоннинг
қўшини гўё бир тан,
бир жон бўлиб ҳаракат
қиларди.**

Пиримқул Қодировнинг
“Юлдузли тунлар”
романидан

**Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.**

Зикрилла НЕЪМАТ

АЁЛ

Аёллар ҳақида бир шеър айтмайки,
Тинглаб баҳорларнинг келсин ҳаваси.
Бир шеърки, чўғлашиб ҳар бир мисраси,
Борлиққа таралиш ўтми нафаси.

Аёллар ҳақида бир шеър айтмайин,
Ҳасаддан саргайсин тинглаб мезонлар.
Бир шеърки, цифори таралган сайин,
Қорлар йиғлаб, кулсин абру найсонлар.

Лекин бу ҳавас-да, оддий бир ҳавас,
Фақат ҳавас билан ҳеч иш битмайди.
Аёллар шавнига шеър битмоқ учун
Мен ғариб шоирнинг кучим етмайди.

Чунки жо бўлгандир аёл қалбига,
Барча фасларнинг ажиб ҳислати.
Ўзин аёл қадар безатмоқ учун
Етмас тўрт фасларнинг зебу зийнати.

Шу боис оғиздир, менинг-да шеърим,
Шу қадар улуғвор, гўзалдир аёл.
Бутун гўзалигин, бор меҳрин бериб,
Табиат яратган газадир — Аёл!



Шеър азиз...

ТАХРИРИЯТДАН:

Назм мухлисларига ўзининг халқона оҳанглар йўлида битилган шеър ва кўшиқлари билан танилган заҳматқаш ва сермахсул ижодкор Зикрилла Неъматнинг бой ижод намуналари тўпланган “Сайланма”си яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Ўйлаймики, шоирнинг ўзига хос ижодий сарҳисоби бўлиши ушбу китоб шеърят ихлосдонларига манзур бўлади.

Поезд Нукус вокзалига келиб тўхтади. Одамлар шунчалик кўп эдики, худди гага-говур бозорга тушиб қолгандек бўлдим. Истарали юзлар қалбимни кувончга тўлдирди, барчаси танишдек, ҳозир мен билан кучоқ очиб кўришадигандек туюлди. Аммо пастга тушимни ҳамон элдошларимнинг илиқ меҳрига эмас, қуёшимнинг иссиқ нурларига рўпара келдим. Минглар орасида кўнгул ила ёлғиз эдим. Ҳамма ўзи билан ўзи овора: кимдир вагон деразаларига қараб танишини излайди, кимдир ўриндиққа ўтирганча газета билан ўзини ёлғийди, бошқа бировлар оғир юкларини ортомқлаб катта кўча томон шошилади, олғир киракашлар эса "Каерга борасиз?" дея йўл тўсади. Уч-тўртта баклашка кучоқлаб олган аёллару болалар "Муздай напиток!" дея қиради. Шусиз ҳам барчанинг кўлида сув... Атрофимдагиларга бир-бир тикиламан: ҳозиргина жон томиримдек яқин туюлган одамлар бирдан бегоналашиб қолади, кўпчилигини балки умуман кўрмагандирман, лекин шу чеҳраларни соғинганим рост...

Пешонамдан оқиб, кўзимга тушган тер хаёлий сукунатни бузди. Шундай жазирама пайти куннинг тигида туриб бўлмаслигини англаб, тезда дарахт соясига ўтдим. Айрон сотаётган холадан туманга борадиган автобус қачон келишини сўрадим. "Ҳозиргина кетди", деди у эринибгина. Демак, кейингиси намода уч соатдан сўнгради. Қуттишга сабрим чидамади. Тезроқ уйга етиб олишни йўлаб таксига ўтирдим. Машина ичи шунангача дим эдики, нафасинг бўлимади. Деразани очдим. Юзимга урилаётган иссиқ шамолдан баттар бошим оғриди. Аксига олиб, ярим йўлга келганда машина бир силкинди-ю, тўхтаб қолди. "Балон ёрилди", деди ҳайдовчи ака бош чайқаб ва тузатгунча тушиб туришимизни илтимос қилди.

Қуёш гўё бутун осмонни эгаллаб олгандек эди: кундан қочиб яширинишга атрофда на бирор дарахт, на бирор уй бор. Биз ноилоҳ соябонимиз тагига тикилишга мажбур бўлдик.

Зериканимдан чўлга серчан тикиламан. Йўлнинг икки томонида ястаниб ётган кумлик устидан буг кўтариларди. Демак, ҳарорат анча баланд. Шу онда отамнинг "Чўпонлар ёзда тумхумни кумга кўмиб пиширади" деган гапини эсладим. Бу оддий усулни ривожлантириб, қуёш энергиясидан катта мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини ўйладим...



Пешонамдан мунчоқда йюмалаган терларни артар эканман, юзларим ачишганини ҳис этдим. Дастрўмолимни қора бўлганини кўриб ҳайратландим, тишларим гичиради. Сездимки, беш дақиқа олдин эсган шамол кум-тузни кўтарган экан. Шу боис ҳам бу ерларда одам яшай олмайди-да...

Аммо кўкка қўл чўзиб турган саксовулларни кўриб таажубландим. Шу ҳолида уларни муножат айлаётган қаландарларга менгаш мумкин эди. Сахро фарзанди аталиши бу дарахтлар кум кўчишининг олдини олади деб эшитганман-у, лекин шу пайтгача яқиндан кўрмаган эканман. Шохларини ушлаб кўриш иштиёқида яқинлашар эканман, саксовул соясига ётган эчкеларни кўриб, чўчиб кетдим. Дарафанднинг кўзларида ўтли нафрат бор эди...

Шу пайт мени қақириб қолишди, машина тузатиб бўлинган эди. Жойимга келиб ўтирдим. Ҳамроҳларим жазира-

мада қийналгани учун ҳайдовчини айблаб, тўнгилайла-тўнгилай кетишди. Мен эса йўл бўйи хаёллар билан банд бўлдим. Нега эчкеларнинг кўзларида алам бор? Сукот ичра ётган сахро тинчлигини бузганимиз учун жаҳл қикдимикан? Балки саксовуллар қамайиб бораётганидан хавотирдадир ёки одамлар ўтин учун бошпанамни кўпориб кетади деб ўйлаганим-

куч талаб қилаяпти, ахир. Орол денгизи сувининг юзлаб километрга тортилиб кетиши кумликлар кўпайишига, тузли шамолларнинг эсишига сабаб бўлмоқда. Бу ачиқ ҳақиқатни бугун қалбан ҳис қилдим... Бекатдан уйимизгача яна бир соат пиёда юришга тўғри келади. Аммо бу ҳаётимдаги энг ёқимли саёхатдир. Сабаби, йўлда ўтган ҳар бир дақиқам, киндик қоним тўкилган гўша сари ташлаган ҳар бир қадамим бир йиллик соғинчимни даволайди... Ўйнаб юрган болалар уст-бошининг чангини қоқиб, югуриб келиб салом беришади. Шундагина ўзимнинг анча улғайиб қолганимни англайман. Ҳа, мен энди бола эмасман, ўзимни шунга муносиб тутишим керак... Она қишлоғимни борича кўзларимга сингдириб юборгим келади. Ҳатто йўлда ётган оддий кесак ҳам эйтиборимдан четда қолмайди. Тўғри, ҳаммаси ўша-ўша, арзигулик ўзгариш ҳам йўқ. Езини бошидан рўмолини ташламайдиган содда аёллар, елкасига кетмонини кўндириб олган деҳқонлар, даладан қўй-эчкиларни ҳайдаб келаётган чўпонлар, лойдан ўйинчоқ ясалиб ўтган бўларди. Яна хаёлларга бериламан. Айтганча, бу тап-тахир чўлларнинг чангоини қондириш мумкинми? Бу ерларга сув олиб келиб, боғ қўқартиришнинг иложи бормикан? Сидқидилдан меҳнат қилиб, она қишлоғимга ўхшаш сўлим гўша барпо этса бўлар, эҳтимол! Лекин сахро билан курашиш осон эмас. Барча сазй-ҳаракатлар ақс натижа бериши ҳам мумкин: иқлим ўзгариб кетиб, янада каттароқ фожияларни бошлаб келиши ҳеч гап эмас. Ҳаммаси ўз холига қолгани яхшимикан ё?... Мана шундай қарама-қарши фикрлар оғушида қоламан. Ҳозирда мавжуд обод маконларни сақлаб қолишнинг ўзи ҳам катта

чанкагандир... Машина бузилмаганда булар ҳақида ўйламаган, чўлнинг бир қарашда зерикарли манзарасига шунчаки лоқайд термулиб ўтган бўларди. Яна хаёлларга бериламан. Айтганча, бу тап-тахир чўлларнинг чангоини қондириш мумкинми? Бу ерларга сув олиб келиб, боғ қўқартиришнинг иложи бормикан? Сидқидилдан меҳнат қилиб, она қишлоғимга ўхшаш сўлим гўша барпо этса бўлар, эҳтимол! Лекин сахро билан курашиш осон эмас. Барча сазй-ҳаракатлар ақс натижа бериши ҳам мумкин: иқлим ўзгариб кетиб, янада каттароқ фожияларни бошлаб келиши ҳеч гап эмас. Ҳаммаси ўз холига қолгани яхшимикан ё?... Мана шундай қарама-қарши фикрлар оғушида қоламан. Ҳозирда мавжуд обод маконларни сақлаб қолишнинг ўзи ҳам катта

куч талаб қилаяпти, ахир. Орол денгизи сувининг юзлаб километрга тортилиб кетиши кумликлар кўпайишига, тузли шамолларнинг эсишига сабаб бўлмоқда. Бу ачиқ ҳақиқатни бугун қалбан ҳис қилдим...

Бекатдан уйимизгача яна бир соат пиёда юришга тўғри келади. Аммо бу ҳаётимдаги энг ёқимли саёхатдир. Сабаби, йўлда ўтган ҳар бир дақиқам, киндик қоним тўкилган гўша сари ташлаган ҳар бир қадамим бир йиллик соғинчимни даволайди... Ўйнаб юрган болалар уст-бошининг чангини қоқиб, югуриб келиб салом беришади. Шундагина ўзимнинг анча улғайиб қолганимни англайман. Ҳа, мен энди бола эмасман, ўзимни шунга муносиб тутишим керак...

Она қишлоғимни борича кўзларимга сингдириб юборгим келади. Ҳатто йўлда ётган оддий кесак ҳам эйтиборимдан четда қолмайди. Тўғри, ҳаммаси ўша-ўша, арзигулик ўзгариш ҳам йўқ. Езини бошидан рўмолини ташламайдиган содда аёллар, елкасига кетмонини кўндириб олган деҳқонлар, даладан қўй-эчкиларни ҳайдаб келаётган чўпонлар, лойдан ўйинчоқ ясалиб ўтган бўларди — бари таниш манзара. Болалигимда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Молхоналар, товуқ катаклари кўзга ташланади. Патлари билан ер чизиб юрган курчалар йўлни чангитиб келаётган трактордан хуркиб бақбақлайди. Уларга жўр бўлиб эшаклар ханграйди.

Бир пайт димоғимга дунёдаги энг ёқимли ҳид урилди. Ингалар олдимга иккита нон кўтариб чиқиди. Бу эски анаъналаримиздан: тандирдан нон узиларётган пайтда йўлдан ўтаётганлар ундан албатта татиши керак. Тўғри, шахар ҳаётига анча мослашиб қолганим учун дастлаб ўзимни нуқулай ҳис қилдим. Ахир, ким сизга беминнат нон тутуди. Бир гал умри-



да бундай қишлоқларни кўрмаган курсдошим билан келганимда "Кўрқма, бемалол еявер, текин!" дегандим унга ҳазиллашиб. Ўлмаган одатларимиздан айланай...

Мана, мўъжаз ўрмончини кесиб ўтаялман. Дарахтларнинг қуюқ сояси ва қушларнинг турли мақомда сайраши ўзгача лаззат бағишлайди. Дарахтзор тугаган жойдан ариқ оқиб ўтади. Ёғоч кўприкдан ўтиб, гужум тагидаги ўриндиққа ўтирдим. Қорамни кўрган жияларим олисдан опа-опа деб чопиб рақиб олаётган. Кучоғимни очиб, иккаласини бирдан бағримга босдим.

— Опа, мен Оймомога сизни соғинганимни айтдим, — деди беш яшар Мийрибек.

Болалигим ёдимга тушиб, қулдим. Бизлар ҳам кичкиналигимизда янги ой тугилган кунни тилак айтардик: "Оймоможон, эртага дарсларимдан беш баҳо олай. Ойим билан дадам хурсанд бўлсин".

— Сизларга буни ким ўргатган? — дедим қўшда қорайган жиянимнинг юзидан ўпиб.

— Бувим Оймомо ҳақида эртақ айтиб берган. У жуда меҳрибон бўларкан, бир қизнинг айтганларини рўёбга чиқазибди.

— Хўш, Оймомо сенинг ҳам гапларингни эшитдимми? — дедим қўқираб қулди жияним.

Мурғак қалб меҳри мени дунёдаги энг бахтиёр инсонга айлантирди. Дарвоза ёнида онам кутиб турарди. Югуриб бориб, қадрдон бағрига ўзимни отдим. Шу онда барча ғам-қуғулик, чарчокни унутдим...

Оҳ, қанчалар ёқимли манзара! Бунчалар яхшисан, она қишлоғим. Кечаси осмонда янги ой тугилди. Илинж ила дуога қўл очдим: "Эсган шамоллар денгизнинг салқин бўйини олиб келгай. Эчкелар кўзларидаги нафрат йўқолгай!"

Несибели

МАМБЕТИРЗАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси,
Тошкент—Нукус—Тошкент

ЧОРВАСИЗ

ХОНАДОНЛАР КАМАЯДИ

— Бошқа жойларни билмадим-у, лекин бизнинг Бўка томонларда ҳар бир хонадон оғилида камида бир-икки бош сигир-бузоқ, кўрасида беш-олтита қўй-қўзи турмас одамлар қулади, — дейди туман омихта ем сотиш масъулияти чекланган жамияти раҳбари Насиба опа Исмоилова. — Чунки чорва моллари боқиб учун шароит бор, яилводалалар етарли. Энг асосийси, ҳукуматимиз томонидан имкониятлар яратиб берилаяпти, худудларда омихта ем сотиш шохобчалари сони кўпайтирилиб, имтиёзли нархларда маҳсулотлар тарқатилмоқда.

Кейинги йилларда республикамиз миқёсида чорвачиликка катта эътибор қаратилаётгани, қолаверса, ҳайрли ишларга бошқош бўлаётган ташаббускор юртошларимиз сони ошаётгани бу борада сезиларли ютуқларга эришишда ўзига хос синов вазифасини ўтамоқда. Оддий мисол: ўтган йил куз бошидан бери нафақат бошқа худудларда, балки пойтахтимизда ҳам гўшт нархла-

ри арзонлашди, доимий ишлайдиган ярмаркалар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Албатта, бу жараён ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Сухбатдошимизнинг айтишича, биргина Бўка туманида омихта емга ихтисослаштирилган 10 та шохобчадан 8 таси узлуксиз ишлаб келмоқда ва ҳар ойда 600 тоннадан кўпроқ омихта ем сотилмоқда.

Ўтган йили жамият билан тумандаги фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномалар тўлиқ бажарилиб, энди янги йил учун мустақкам замин ҳозирланмоқда. Масалан, "Бўстон" фермерлар уюмисига наслчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлиги боис 6-шоҳобча бириктириб қўйилди ва эришилган натижа ҳам чакки бўлмади. Ёки туман марказида Муродилла Жалилов томонидан замон талабларига мослаштирилган шохобчани олайлик, бу ерда ҳам аввалига аҳолининг талаб-эҳтиёжлари пухта ўрганилиб, шунга яраша жами уч турдаги чорва озуқалари миқозларга мунтазам тарқатилмоқда. Эътиборли жиҳат-



Қишлоқ ҳаёти

ти, аксарият оилалар сут ёки қатиқ учун бозорга чопмайди, фарзандларининг сихат-саломатлигини таъминловчи барча керакли маҳсулотлар ўз уйида етиштириляпти. Бу эса ҳар бир хонадонга ҳам моддий, ҳам маънавий-жисмоний фойда келтирмоқда.

Очиғи, Насиба опа ўзининг юқорида тилга олинган катта-кичи ишларини айтиб мақтанишини хуш кўрмайди.

— Аслида, бу эркақларга хос бўлган масъулиятли вазифа. Лекин юртимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик учун шундай катта имкониятлар яратилган бир пайтда томошабинга ўхшаб ўтириб бўлмайди-ку. Қолаверса, ёнимда мени ҳар доим қўллаб-қувватловчи турмуш ўртоғим, фарзандларим, ҳамкорларим бор. Ҳар қадамда уларнинг кўмагини ҳис этиб тураман. Биласизми, одамни савобли ишларга руҳлантириб турадиган бир куч бор: бу унинг тинч-тотув оиласидир. Худога шукрки, бу борада ҳам бахтлиман.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Тошкент вилояти.



Ҳуқуқий саводхонлик

КЎЧМАС МУЛК: МАЖБУРИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Гаров — шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиш усули сифатида ҳозирги вақтда жуда кенг тарқалган шартнома турларидан ҳисобланади ва ҳуқуқий жиҳатдан катта институт саналади. Унинг ёрдамида кредитор томонидан берилган пул маблағларининг берилиши таъминланади. Мабодо, қарздор олган қарзини қайтара олмаса, қарз берувчи қарздорнинг мулкига ундирувни қаратиш йўли орқали ўз талабини қондиради. Демак, гаров — бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш учун бериладиган асос.

Ипотека — бунда кўчмас мулк фақат қарз берувчининг талабларини қаноатлантириш учун гаровга қўйилади. Нинолар, иншоотлар, уй-жойлар, қорхоналар, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ипотека мулк бўлади. Шунингдек, ипотека жисмоний ёки юридик шахсга кредит (қарз) эвазига квартира ёки уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш ёки уни таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Гаров тўғрисида"ги ва 2006 йил 4 ноябр кунини қонуний қучга кирган "Ипотека тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган талабларга амал қилган ҳолда "Гаров тўғрисида"ги ва "Ипотека тўғрисида"ги шартномалар нотариал тартибда расмийлаштирилади.

Баҳромжон КАРИМОВ,
Олтириқ тумани 1-сон ДНИ нотариуси.

...Бу бино олдида ҳар кунни ўтаман. Кўпинча ҳафтанинг икки кунинда жуда гавжум бўлади. Худди ноёб мол ҳаридига навабга турган кишилардек турнақатор тизилишган одамларнинг ярми аёл, ярми эркак. Уларнинг орасида бир-бирига меҳрли нигоҳлар билан қарайдиганларни деярли учратмайсиз. Чунки аксариятининг тақдирини туташган бўлсада, минг афсуски, кўнгли айро...

Мушоҳада

ишонсангиз, қайнонам, ҳатто қайнотам ҳам яқин-яқингача сепимни гапириб, юзимга солишарди. Ҳали-ҳануз байрамлар, туғилган кунларда сават, тоғора, совга-салом юборадиган (шунга мажбур қиладилар) ота-онамни хасисдан олиб, хасисга соладилар. Ўтган йили онам қаттиқ бетоб бўлиб қолди. У ёқдан кела-

кўнғироқ қилдим. Ойим ҳам шу гапни тасдиқлади...

— Нега аёлингизнинг ўзи билан гаплашмадингиз?

— Ушанда уни отасиникига кетганига бир ой бўлган экан. Болаларни онам олиб қолибди. Келдим. Ҳазим ёмон эди. Қайноғам мени тўхтаб қолди.

— Аёлингиз билан юзма-юз гаплашдингизми?

— Ҳа. У ҳамма гапларни ин-

ҳам ўзгариб қолган, онасини қўлашяпти. Мен эса ярим жон бўлсам. Аёл зотига ишониб бўлмас экан, ҳамма нарсадан, ҳаётдан кўнғим қолди.

Лобар опа (Бахтиёр аканинг рафиқаси), 47 ёш:

— Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, синглим! Ака-укаларимнинг олдида айб деган одам бўлдим, ҳамма айб бу кишимда. Майли, нима бўлсаям энди тавон тўлаймиз, десам кўнмаяпти. Укам эса мендан талаб қилаяпти, сиз аралашгансиз, деб. Уч марта операция бўлди, харажати нима тўладим. Ака-укалари бир сўм бермади-ку!

— Шунча пулни битта ўзингиз топмагандирсиз?

— Тўғри-ю, аммо нима қилай, энди оғзим ошга еганида ногирон эрни боқимин қолувдимми?

— Қудаларингиздан андиша қилмайсизми?

— Уларнинг бирортаси кунимга ярармиди...

Сўзлар нечоғли тигли, нечоғли аламли бўлмасин, парокандалик сари юз тутаётган бу оилани тиклаб қолиш имкони бордек. Охири шундай бўлди ҳам. Бир маҳал ёнимизга соқоллари кўксига тушган нуруйи бир отахон секин яқинлашди.

— Бахтиёр, ўғлим, келинжон, ҳозир эшитиб қолиб, тўғри шу ёққа келдим. Элдан уялмайсизларми, шунча йил бирга яшаб, битта машина учун ажраламан, дебсизлар?!

— Дада, нима қилай, жонимдан ўтиб кетди. Майли, бир кунимни кўрарман, — кўзлари ёшланди қап-қатта эркакнинг.

— Йўқ! Қани, келин, ҳозир тўғри шу укангизнинг олдида ўзим бораман. Ўғлимнинг соғлиги, оилангизнинг тинчлиги олдида битта темир матоҳ икки пулга қиммат. Мен тўлайман, тушундингларми, ҳеч қанақа суд-пуд бўлмайди! — деди-да, уларни етаклаб олиб кетди...


Бу кўнғилли воқеани ўз кўзим билан кўриб, шунга амин бўлдимки, баъзан арзиманга баҳоналар билан бир-бирини тушуна олмаётган эр-хотинлар сўнгги чора сифатида танлаётган йўлнинг охири хайрли тугаса-ку яхши! Лекин кенг жамоатчилик, суд, ФХДЁ идоралари ҳар қанча муросага келтиришга уринишса-да, бир умр юз кўрмас бўлиб, минг битта таъна-маломатлар билан ажралиб кетаётган оилалар тақдири эртага не кечади? Балки эр ҳам, хотин ҳам ўзича ҳақдир, бироқ ўртадаги беғуноҳ фарзандлар-чи? Сиз нима дейсиз, замондош? Фикрлашайлик, зора, сизу биз ҳар кунни ўтадиган ана шу бино олдида кеча бир ёстиқча бош қўйиб, бугун бир-бириндан айро тушаётган жуфтликлар сони қанча...

Шахло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Маслаҳат

УЙ БЕКАЛАРИГА

Агар лимонни дастурхонга қўймоқчи бўлсангиз, аввал қайнаган сувга ботириб



олинг. Шунда хушбўй ҳиди янада ўткирлашади.

Туз намликни ўзига тез сингдириб, тез қотиб қолишга мойил. Шундай бўлмаслиги учун унга бироз картошка крахмали аралаштириб қўйинг.

Агар ёнғоқлар қуруқлашиб, мазаси ўзгариб қолган бўлса,



чақмасдан беш-олти кун тузли сувга солиб қўйинг. Сўнгра қури-тиб олсангиз, аввалги ҳолига қайтади.

Ловия қайнатаётганда сувга уч томчи ўсимлик ёғи томизлса, юмшоқ ва ширин бўлиб пишади.

Чинни, айниқса, шиша идишларни юваётганда сувга озроқ лимон шарбати томизлса, идишлар ярқираб кетади.

Лавлагги тузли сувда қайнатилмади.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ТАҚДИРЛАР ТУТАШ, КЎНГИЛЛАР ЭСА...

Энг қизиғи, ҳали ичкарида суд жараёни бошланмасидан аввал бир-бирига таънаю маломат тошларини отишига чидаса бўлар, бироқ ё онаси, ё отаси (кўпроқ онаси) этагидан маҳкам ушлаб олган болаларнинг бундай кўнғилсиз томошалар моҳиятини (балки жабру жафосини десак тўғрироқ бўлар) тушунишиб етиши бироз қийинроқ кечади.

Ўз-ўзидан саволлар туғилаверади: нега бир дунё орзу-ҳавас, дабдабаю асъаса билан қурилган оиллага кўз тегди? Энг даҳшатлиси, эл-улус олдида бир-бирларини қучиб, елкаларига тўн, тоғораларига минг хил қийим-кечагу ноз-неъматларни жойлаган қуда-андалар йил ўтар-ўтмас нега дўстан душманга айланмади? Айтилаётган таъна-дашномлар, тухмату гийбатларга илон пўст ташлайди-ку! Наҳот шу даражада тубанлашиб кетган бўлсак? Айб қайси томонда?

Бир кунни фуқаролик ишлари бўйича суд биноси олдида тўхтаб, кўнғилдан кечган ана шундай жумбоқли саволларга жавоб изладим. Биринчи "Боринг-е, энди сиз қолувдингиз аралашмаган", деган бўлса, бошқиси "Кувёвни тўйгача ҳам билмадиз-а, гийёванд экан. Устига устак, қизимизни калтаклайвериб, майиб қилиб қўйдим. Энди тўйга кетган харажатларни тўлайсанлар, дегани ортиқча", дейди. Хуллас, уларни ариқчи-арзимас важ-баҳоналар бу ерга етаклаб келган.

Изоҳ бериб қўйиб, суҳбатдошларимнинг айримлари исм-шарифларини айтишни истамаган бўлса, баъзилари шартли равишда ўзгартиришимни илтимос қилишди.

Назираҳон, 25 ёшда:

— Биз олти йил аввал ота-онамизнинг истак-хоҳиши билан турмуш қургандик. Лекин бу хонадонда шунча йил яшаб, жўялироқ турмуш кечирганимни эслолмайман. Сизга ёлгон, менга чин,



диган саватлар қамайдим. Қайнонам кўз очирмай қўйса бўладими?! Қайнотам ҳадеганда ўғлини тагли-туғли оила қизига уйлантирмаганига пичинг қилаверди. Ахир, қачонгача ота-онам менинг ташвишим билан яшайди, айтинг! Дадам оддий ҳайдовчи, ойим уй бекаси бўлса. Мендан кейин яна икки синглим ва бир укам бор. Уларни ҳам бўйлари етиб қолди...

Нима қилай, охири ажралиш учун судга ариза бердим.

— Икки болангиз бор экан, энди уларнинг тақдирини нима бўлади?

— Пешонамда борини кўраман...

Собир, 41 ёшда:

— Бир-биримизга кўнғил қўйиб турмуш қурган эдик. Ўртаимизда уч нафар фарзандимиз бор. Нима дейишни ҳам билмайман. Балки хоржга ишлашга кетмаганимда, ажрашмасдикми?! Тўрт йилдан бери ўша ёқданман. Авваллари аёлим билан тез-тез телефонлашиб турардик. Бирор нарсадан нолимасди. Лекин кейин фақат онам билан гаплашадиган бўлдим. Хотинимни сўрасам, онам гапни бошқа ёққа бурарди. Уч ой аввал маҳалламиздан бир йилгит биз ишлаётган жойга бордик. Оилам ҳақида сўрадим. У аёлимни ёмон йўлга кириб кетганини, буни бутун маҳалла билишини айтди...

— Бу балки тухматдир?

— Мен ҳам ишонмадим. Уйга

кор этаяпти. Ҳатто болаларни ўртага қўйиб қасам ичаёпти.

— Демак, у сизга хиёнат қилмаган. Она учун дунёда болаларидан азиэроғи бўлмади-ку!

— Билмадим...

— Бу ерга аёлингиз келганими? У билан гаплашсам бўладими?

— Йўқ, ҳали келмади. Барибир фойдаси йўқ. Агар у билан яна бирга яшасам, бутун маҳалла-қўй, ошна-оғайнилар устимдан қулишади...

Бахтиёр ака, 52 ёш:

— Ажралиш учун хотиним судга ариза берди. Тўрт фарзандимизнинг учтасини уйлаб-жойлаб, қуда-андали бўлганимизда бошимга фалокат тушиб, ногирон бўлиб қолдим ва энди оиламга бегонаман.

— Сабаб шунчалар жиддийми?

— Мен анча йиллардан бери савдо билан шуғулланардим. Топганимни рўзгоримга, болачакамга сарфладим. У ҳам, болаларим ҳам бировдан кам яшагани йўқ. Лекин қутилмаганда автохалокатга учраб ҳам соғлигимдан, ҳам машинадан айрилдим. Энг ёмони, ўша машина қайнимники эди. Менга тижорат қилиш учун бериб қўйганди, лекин ойма-ой ижара ҳақини тўлаб турардим. Ўша кундан бери уйда тинчлик йўқ, хотиним тўпалон қилади, қаердан бўлсаям укамга янги "Нексия" олиб берасиз деб. Қариндош-уруғ, маҳалла-қўй ҳам аралашди, фойдаси йўқ. Ахир, менинг ўзим ҳозир не бир аҳволда юрибман, дўконларни сотиб тўлаймиз, десам ҳам кўнмаяпти. Бу ёқда тижоратимиз ҳам тўхтаб қолди.

Энг даҳшатлиси, олти ой аввал ховлини сотиб, ярим пулини укамга бераман деган баҳонада, мени икки хонали квартирага мени ҳайдаб чиқаришди. Болалар

Аёл деганда кўз олдимизда ҳаё пардасига ўралган, нозик жинс, гўзал хилқат, меҳрибон она гавдаланади. У фақат гўзаллиги, нафосати, одоби билангина эмас, балки соғлом фарзандни дунёга келтириб, яхши тарбия беришга ҳам масъул мукарам зот сифатида ҳам қадрланади.

Эркаклар эса оиланинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан посбони, устуни ҳисобланади. Азалдан ярим ҳазил, ярим чин маънода эркакни "қўчанинг одами" дейилган. Бу билан улар бутун умрини бекорчиликка кўча-қўйда ўтказишни назарда тутилмаган, албатта. Уларнинг асосий вазифаси рўзгорни таъминлашдан иборат. Уйда эса фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шуғуллангани боис уларга жиддийроқ мажбурият юкланган.

СИЗ ОНАСИЗ, АХИР!

Тўғри, бугунги кунда хотин-қизлар оилада ҳам, жамиятда ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли. Аксарият аёллар ўз зиммаларидаги масъулиятни вазифаларни баҳоли қудрат уддалаётди. Ошовқат тайёрлаш, болаларни мактабу боғчага кузатиш, кутиб олиш, дарс қилдириш, спорт машғулотларига олиб бориш, ота-оналар мажлисида қатнашиш... хуллас, ўнлаб, ҳаттоки юзлаб катта-кичик ишларни бажаришга улгуришяпти. Бундай аёллар шаънига ҳар қанча таҳсину тасанно айтсак арзийди. Лекин...

Кейинги йилларда тўй-томошалар, байрам тадбирлари баҳонасида ачинарли бир ҳолатга гувоҳ бўлаётимиз.

Ҳозир, яшириб нима қилдик, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тўйларда кузатилаётган нохуш манзаралар бир-бирига даярли эгизакдек ўхшаш. Айниқса, никоҳ тўйларида тўйхонаю ресторанларни гўзаллик ва нафосат маликалари "забт этишяпти". Энг ачинарлиси, стога қўйилган спиртли ичимликларни ичиб, ширақайф ҳолда давра ўртасига чиқиб ғалати қилик, ҳатти-ҳаракатлари билан кўпчиликка кулги бўлаётган аёлларга нима дейсиз? Аслида, у кимнингдир ёри, бир неча фарзанднинг онаси ёхуд қайсидир мактабда, боғчада ўқитувчи-мураббий... Бундай аянчли манзарани кўриб, индамайгина ўзини четга тортаётган қишлоқ, маҳалла фа-

оллари, хотин-қизлар кўмиталари аъзолари, кексалар нега бонг уришмаяпти? Кимдан истихоло қилаёпмиз?

"Анави киши мастликдан қалтираб қолган қўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми? Хотини, болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқоряпти" деганида франсуз адиби Ф. Ламенни минг бора ҳақ эди. Ахир, юртимизда хотин-қизларимиз учун барча шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар яратилган бир пайтда нега биз ўз шаънимиз, қадр-қўimmatимизни арзиманган кўнғилхушликларга алиштиряёпмиз?

Хулқар НОРОВА,
ўқитувчи,
Қамаши тумани.



Таассуф

СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

РИШОД ИККИНЧИ ЎРИНДА

Олмаота шахрида ўтказилган дзюдо бўйича "Мастерс" туркумидаги халқаро турнирдан икки қарра жаҳон чемпиони Ришод Собиров кумуш медалга сазовор бўлди.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) қарорига кўра, "Мастерс" туркумидаги мусобақаларда ҳар бир вазн тоифасида жаҳон рейтингининг кучли ўн олтиликга кирувчи энг сара дзюдо усталари совринли ўринлар ва Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг баллари учун рақобатлашади.

Нуфузли мусобақада эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда дунёнинг 44 мамлакатидан икки юз нафардан зиёд спортчи татамига чиқди. 60 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Ришод Собиров нидерландиялик Жероен Мурен, қозғистонлик Еркебулан Коссаев, россиялик Веслан Мудрановни мағлубиятга учратиш, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда яна бир россиялик дзюдочи Арсен Галстян билан рақобатлаган ҳамюртимиз кумуш медал билан қифояланди.

ТУРНИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳиндистонда шахмат бўйича FIDE қоидалари бўйича Швейцария усулида 11 турдан иборат нуфузли "Parsvnath International Open – 2012" халқаро турнири бошланди. Мусобақада уч юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун дона сурмоқда.

Турнир ўзбекистонлик Марат Жумаев ва Жаҳонгир Воҳидов учун омадли бошланди. Иккала шахматчимиз ҳам иккитадан партиядо ғалабага эришди.

РОЙ ЖОНС ЎНИЛЛИКНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИСИ

Sport.ru сайтининг хабарига кўра, кейинги ўнилликнинг энг кучли боксчиси деб Рой Жонс эътироф этилган бўлса, Эммануэль Стюард энг яхши мураббий деб топилди.

Эммануэль Стюард ҳозирги пайтда ўта оғир вазндаги бир неча йўналишлар бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличконинг мураббийи саналади. Унинг илк ютуғи 1980-йиллари энгил вазндаги жаҳон чемпиони Хилмер Кентени тарбиялаб чемпионга айлантиришдан бошланган.

Тажрибали мураббийнинг энг ёрқин йиллари эса бешта вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлган Томас Хернс билан ўтган машғурот давлари бўлган. Стюард шогирди Хернсни ёшлигиданоқ тарбиялаган. Ундан кейин англиялик Леннокс Льюис билан ҳам самарали ишлади. Айнан унинг мураббийлиги остида Леннокс улкан ғалабаларни кўлга киритди. Жумладан, Майк Тайсонни ҳам нокаутга учратди.

Рой Жонсни эса таърифлашга ҳоҳат ҳам йўқ. Чунки у рингдаги бири-биридан ёрқин жанглари билан бокс ишқибозлари қалбини ром этган.

Интернет материаллари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

— Алло, «Бахтли бўлинг» бўлимими?
— Лаббай, эшитамиз.
— Тошкент шахридан кўнғироқ қилияман. Ёшим 48 да. Исми Каримжон. Маҳаллада дўкончамиз бор, ўша ерда савдо қиламан. Харид учун кирганлар билан баъзида суҳбатлашиб қоламан. Яқинда кўшни маҳаллада яшовчи Насиба хола дўконимизга киргани, кўлида "Оила ва жамият" газетасининг 52-сони бор эди. Хола газетанинг ҳақиқий муҳлиси экан. Қирқ ёшли ўғлига газета орқали рафиқа топганини ва ҳозир улар бахтли ҳаёт кечиряётганини айтиб қолди. Ўша кунёқ почтага бориб, "Оила ва жамият"га обуна бўлдим.

— Муҳлисларимиз кўпайганидан хурсандмиз. Сизга қандай ёрдамимиз зарур?

— Менинг дардим ҳам ёлғизлик. Шоирахон билан политехника институтида бирга ўқигандик. Бир-биримизни ёқтириб турмуш қурдик. Уч фарзандни бирга тарбиялаб, уйли-жойли қилдик. Аммо энди оғзи ошга етганда, унинг иккала кўзи ҳам кўрмай қолди. Дарди оғирлашиб, ўн тўрт йил тўшақда михланиб ётди. Раҳматли жуда оқила, билимли аёл эди. Ўзи меҳрга, парварлишга муҳтож бўлса-да, бирор кишига касаллигидан нолимади. Аксинча, ўтирган жойида келинларни рўзгор ишларига ўргатди. Маҳалладошларимиз ҳам ёлғизлашиб қўйишмади. Ким келиндан, ким ўғлининг тарбиясидан шикоят қилиб чиқса, раҳматли тўғри маслаҳат бериб дуосини оларди. Ишдан қайтганимдан сўнг газета-журнал ўқиб берардим. Чунки у ҳечам касалликка бўйсунмади. Умрининг сўнгига фарзандларимизни олдига чақириб, чиройли васият қилди. Айниқса, кенжа келинга айтган сўзларини эшитиб, чидаб туролмадим. "Қизим, менадан кейин дадангиз сизга омонат, унга яхшилаб қаранг. Помидорни ёқтирмайди, овқатига солиб юрманг. Доим кийимлари озода бўлсин", деди. Барака топсин, кенжа келимин ойисининг тарбиясини олган, кўнглимга қарайди. Болаларим ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетган. Одам эртага ўзини

нималар кутаётганини билмайди. Қизим "Дада, ҳали ёшсиз, уйланг", дея ҳоли-жонига қўймайди. Шунинг учун сизларга мурожаат қилияман.

— Қаерлик аёлга уйланмоқчисиз?
— Тошкентлик, 40–45 ёшлардаги турмушга чиқмаган ёки бир нафар фарзанди бор бева аёлга уйланмоқчиман. Боласини тарбиялаш, оталик меҳрини беришга тайёрман. Фақат оқила аёл бўлса, бас.



Бир дунё орзу-хавас билан Самандарга турмушга чиққан эдим. Дастлаб бахтли яшадик. Қайнона-қайнотам зиёли эди. Мен ҳам уларнинг ҳурматини ўрнига қўярдим. Афсуски, беш йил ўтса-да, фарзандли бўлавермадик. Қайнонам ўзи бош қўшиб, Тошкентга олиб бориб тажрибали гинекологга кўрсатди. Тиббий кўрикнинг тур-туридан ўтдик. Сўнгги натижага кўра, мен соғлом эканман. Самандар акам эса аса-

бийлашиб, уйга келгунча лом-мим демади. Икки-уч кун ўзини олиб қочиб юрди. Гоҳида "Менинг айбим нима?" дея ҳўрлигим келиб йиғлаб олардим. Кўлим ишга бормай қолди. Икки йил ичида Самандар акамнинг сочи оқариб, юраги хасталаниб қолди. Уйимдагилар эса мени ажратиб олиш пайига тушди. Ҳар сафар улардан озгина сабр қилишни ўтиниб сўрардим. Йўқ, охири эримнинг инжиқликлари, ҳўрлашлари жонимдан ўтиб кетди ва биз ажрашдик. Шунга ҳам етти йил бўлибди. Ёшим 41 да. Хотини вафот этган эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

Зубайда,
Фаргона вилояти.

— Сизларга миннатдорчилик билдириб кетай деб бир-ровга кирдим, — дея гап бошлади ўзини Шарифа деб таништирган аёл. — Асли навоийликман. Сизларнинг ёрдамингиз билан ҳозир Тошкентда яшайман. Ўтган йили "Бахтли бўлинг" бўлимига мурожаат қилгандим. Тақдирим меникига ўхшаш пойтахтлик Иноятулла исмли бир кишининг телефон рақамини олгандим. Аввал телефон орқали суҳбатлашдик. Кейин Навоийга бориб, мен билан учрашди. Ота-онамга ҳам маъқул бўлди. Ҳар икки томон келишиб камтарона тўй қилдик. Иноятулла акамнинг бир қизи бор. Аёли автохалокат туфайли қаза қилган экан. Худого шукр, қизалоқ менга ўз онасига қарагандай муносабатда бўляпти. Оиламиз аҳил. Бунинг учун сизлардан миннатдорман.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

A, B, C, D, E

ёки гепатитнинг беш турига ҳам чалинмаслик учун нима қилиш керак?

Вирусли гепатит юқумли жигар касаллиги бўлиб, 5 та асосий тури — A, B, C, D, E кўриниши аниқланган. A ва E гепатит энтерал йўл билан, яъни ошқозон-ичак тизимига оғиз орқали вирус тушиши натижасида, B, C ва D гепатит эса парентерал йўл билан, яъни қон орқали юқади. Иккинчи ҳолатда жароҳатланган тери, шиллиқ қаватлар, тиббий муолажалар (стоматологик, гинекологик, жарроҳлик...), жинсий алоқа вирусни юқтириш эҳтимолини яратди. Бундан ташқари, онадан болага ҳомила ривожланаётган пайтида ва туғиш жараёнида ўтиши мумкин.

Энтерал гепатитлар сув, озиқ-овқат ва маиший мулоқот орқали тарқалади. Кўпинча болалар боғчалари, мактабларда шахсий гигиена қоидаларига риоя этмаслик гепатит авж олишига сабаб бўлади.

A гепатитда яширин давр 7 кундан 50 кунгача, ўртача 15–30 кун давом этади. Касаллик кўнгли айниши, қусиш, ҳолсизлик, иштаҳа бузилиши, ўнг қовурга остидаги оғрик, сийдик рангини тўқ бўлиши каби белгилар билан кецади. Аммо қайталаниш ҳолатлари учрамайди. Бу асосан гепатитнинг бошқа тури билан зарарланиш оқибатида келиб чиқади.

E гепатитга асосан аҳолининг сифатли ичимлик суви билан етарли таъминланмагани сабаб бўлади. A гепатит асосан ҳали 14 ёшга тўлмаган болаларда, E гепатит эса 15–40 ёшли кишиларда учрайди. Маълумотларга қараганда, E гепатитга аёлларга нисбатан эркаклар мойилроқ бўлади.

Касаллиқнинг олдини олиш чоралари:

- шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш,
- қайнатилмаган сувни ичмаслик,
- мева ва सबзавотларни қайнатилган сувда чайиб ейиш,
- мослаштирилмаган сув ҳавзаларида чўмилмаслик,
- имкони борича A гепатитга қарши эмланиш.

B гепатит одатда қон орқали, баъзида эса сўлак, уруғ суюқлиги, қин ажралмалари ва бошқа биологик суюқликлар орқали ҳам юқиши мумкин. Касаллик вирусини ташувчанлик, яъни ўзи касал бўлмасдан бошқа одамларга юқтириш хусусияти ойнаб, йиллаб, ҳатто бутун умр давомида сақланиши мумкин. B гепатит вирусини ташувчиларда жигар раки келиб чиқши эҳтимоли юқори бўлади. Оналар янада хавфли ҳисобланади, ҳомиладорлик даврида ёки туғуқ жараёнида вирус ўтиши оқибатида болаларда жигар церрозини ривожланиши хавфи ошади. B гепатит касаллиқнинг оғир кечиши ва сурункали хасталик ривожланишига мойиллиги билан ажралиб туради.

C гепатитни олимлар узоқ вақт аниқлай олмади. A ҳам эмас, B ҳам эмас, дея иккиланганишган. Хасталиқнинг бу тури яна бир омил — гиёҳванд моддаларни қон томирига юбориш орқали ҳам юқади. Ҳозирги кунда парентерал гепатитларнинг аксарияти C га тўғри келяпти. Асосан қон қуйишдан кейин ривожланиб, кўп ҳолларда сурункали шаклга ўтиши кузатилаётди.

Соғлигинг — бойлигинг

D гепатит вируси фақат B гепатит вируси мавжуд бўлгандагина ривожланади. Яъни, унга "мингагина" организмга кириб олади. Гепатитнинг бу турига чалинганда ўлим хавфи юқори бўлади. Беморлар жигарида жиддий қайтмас жараёнлар ривожланади.

Касаллиқнинг олдини олиш чоралари:

- тиш чўтка, сочик, устара каби шахсий гигиена буюмларини алоҳида тутиш,
- бир марталик тиббиёт анжомларидан фойдаланиш,
- жинсий алоқада ҳимояланиш чораларини кўриш,
- хавфли гуруҳдаги қақалоқлар B гепатитга қарши эмланиши шарт.

Вирусли гепатит аломатлари сезилиши билан шифокорга мурожаат қилинг. Бемор юқумли касалликлар шифохонасида ётиб даволаниши шарт. Парҳез сақлаш, жигарга ортикча юк бермаслик лозим. Овқатни қайнатилган ва майдаланган ҳолда истеъмол қилиш керак. Масалан, ёғсиз шўрва, бугда пиширилган котлет, турли хил сабзавот бўтқалари тавсия этилади. Қовурилган, дулданган, тузланган, ёғли озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан тийилиш зарур. Спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар ва тамаки маҳсулотлари зинҳор ва зинҳор мумкин эмас. Оғир жинсий меҳнат билан шуғулланиш ҳам ярамайди. Энг муҳими, соғлиқдан шикоят бўладими-йўқми — барибир вақти-вақти билан шифокор қабулида бўлиб туриш шарт!

Ҳадича ОЧИЛОВА,
Тошкент шаҳар Учтепа туман
марказий кўп тармоқли полик-
линикаси врач-лаборанти.

СИЗГА ЎХШАСАЙДИ...

...Қор гупиллаб уриб турган эди ўша куни. Иккимиз кишлоқнинг кенг кўчасида сўхбатлашиб борардик. Унинг сўзлари шу қадар сермазун, шу қадар сеҳрли эдики, йўлимиз тугаб қолишини сира-сира истамасдим.

Рухсорингизга нигоҳ ташлайман: бешафқат йиллар тиниқ юзингизга ўз муҳрини босибди, сочларингиз қордек оқарибди. Аммо жамолингиздан ёғилувчи нур, кўзларингизда акс этган меҳр ўша-ўша — сўнмаган. Мен сизни жуда соғинган эдим...

Эсимда, мен учун жонингизни нисор этишга тайёр эдингиз. Бошимни силаган илиқ кафларингиз хароратини ҳамон туйиб тураман. Ҳаётда қанчалик ўрнимни топган бўлсам, бунда сизнинг чексиз ва беминнат ҳиссангиз борлигини, олдингиздаги қарзларини ҳеч қачон узоқмаслигини айтганим келарди. Лекин сиз...

Шу пайт ёнгинамиздан машинасини учирганча алламбало кўшиқни ванг кўйиб бир йигит ўтиб кетди. Босар-тусарини билмай қолган бу бойвачча иккимизни ҳам лой аралаш қорга белаб кетди. Лоқал ён-верига қайрилиб ҳам қарама-



ди номард. Мен бу олифтани танидим. У мактабни бир амаллаб битириб, отасининг етотида савдога ўзини урган синфдошим эди. Сиз устингизга сачраган лойларни қоқаётиб ҳам жаҳлингиз чиқмади, лекин мен чидолмадим ва "Ў-е, сенинг топган бойлигини шу тўрт гилдиракли арава-да!" деб бақирдим. Сиз эса киприк ҳам қоқмадингиз, секингина "Қўявер, ким бўлсаям омон бўлсин!" деб кўйдингиз. Мен унинг кимлигини айтмадим. Аммо сизга барибир эди. Чунки сиз қалби осмон одамсиз. Биз эса ҳалиям ўқувчиға ўхшаймиз.

Энг қизиги, ҳар бир айтган сўзингизда ҳам, табассумингизда ҳам заррача киноя йўқ эди. Шу онда... биласизми, мен киноя эсладим? Ҳар қандай шўхлик ва тўполон қилса-да, боласини кечиршига ўзида куч топа оладиган она кўз олдимга келди. Қанийди, ҳамма одамлар сизга ўхшаса, устоз!..

Барноҳон ХАЙДАРОВА,
Балиқчи тумани.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

мол-мулкни бўлиб олишга эмас,
оилани мустаҳкамлашга хизмат қилади

Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув "шартнома" дейилади. Бундай таъриф никоҳ шартномасига ҳам тегишлидир, ammo унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотин никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этулгунга қадар умумий маблағ ҳисобига олинган мол-мулк умумий ҳисобланади. Бироқ шу моддада эр-хотин конун билан белгиланган биргаликдаги мулкни тартибни ўзгартириб, ўзаро тузилган шартномали тартибни белгилаши ҳам мумкинлиги кўрсатилган.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини ҳам тартибга солади. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши, шартлар кейинчалик вужудга келажак шароит билан боғлиқ бўлиши, никоҳ битимида келгусида қўлга кириладиغان мол-мулк ҳам назарда тутилиши мумкин.


Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг шахсий номулкий муносабатини тартибга сола олмайди. Яна, битимда меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг таъминот олиш ҳуқуқини чеклашга қаратилган шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиши мумкин.

Эр-хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила ҳаётларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулк шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиши мумкин.

Никоҳ шартномасини бажаришда бир томонлама воз кечишга йўл қўйилмайди. Бироқ тарафлар ўзаро келиша олмаса, суд муҳокамасида кўрилиб, ҳал қилув қарори билан шартнома ўзгартирилади ёки бекор қилади. Агар битим бекор қилинган бўлса, никоҳ тугатилгунга қадар амалда бўлади. Никоҳ тугатилгандан кейинги давр учун назар-



Ойна

ОШҚОЗОНИМИЗ
ДИРИЖЁР ЭКАН...

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида овқатланаётган пайтда мусиқа тинглаш одати бор. Машҳур композиторлар, операчилар ёки уларнинг асарлари номи билан юригиладиغان рестороанлар ҳам кўп. Француз ошхонасининг "Опера" салати жуда оммабоп. Бу ердаги яна бир тақдирот "Опера" торти эса ўзига хос рецепти, тайёрлиши жараёнининг мураккаблиги ва кўп вақт сарфланиши билан ажралиб туради. Торт шунга арзийди ҳам.



Буюк композиторларнинг кўпчилиги энг нуфузли ошхоналарни ҳуш кўришган, ҳатто уларнинг айрим-айрим яхшигина ошпазлик қобилиятига ҳам эга бўлишган. Масалан, Паганини скрипкани қанчалик маҳорат билан чалса, тухум оқини аралаштирадиган симчўткани ҳам шундай чапдастик билан айлантира олган.

"Севиль сартароши" ва "Отелло" опералари муаллифи Жоакино Россини композитор бўлмаганида, XIX асрнинг энг зўр гастрономии бўлиши шубҳасиз эди, дейишга мумкин. Россини фикрича, мусиқа ва ошпазлик санъати бир илдизда ўсган икки қадимий дарахтдир. У яна шундай дейди: "Ошқозон — бизнинг истакларимиз, ишталаримиздан иборат улкан оркестрни бошқарувчи дирижёр... Емоқ, севмоқ, куйламоқ, пиширмоқ... тўғриси айтишда, булар биз ҳаёт деб атайдиган комик операнинг тўрт муҳим арияси..."

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоалари «Матбуот тарқатувчи» АК директор ўринбосари

Жумакул Қурбоновнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукўр таъзия изҳор қилади.

Э Ё Л О Н !

Григорьянц Артур Эдмондович номига берилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Жаҳон Обидова кўчаси 2-уй 83-хонадоннинг «Уй режаси» йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Ҳуқуқ

да тугатилган мажбуриятлар бундан мустасно. Масалан, тарафларнинг кейинги моддий таъминоти, мол-мулкни бўлиш ва улардан фойдаланиш тартибига оид қоидалар кучида қолади. Таъкидлаш жоизки, эр-хотин никоҳ шартномасини тузаётгани, ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида ўз кредиторларини хабардор этиши шарт. Агар шундай қилинмаса, эр ёки хотин никоҳ шартномаси мазмунидан қатъи назар ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлиб қолаверади.

Сир эмас, асарият фуқароларимиз никоҳ шартномаси келгусида вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолат, яъни никоҳдан ажраллишда мол-мулкни бўлиб олиш учунгина асқотда деб тушунади. Бундай қараш нотўғри эканини мақола давомида ҳам кўриб чиқдик. Аксинча, никоҳ шартномаси оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, эр-хотин ҳуқуқларини тенг ҳимоялашга, ҳуқуқий давлат шарт-шароитига мос ҳолда низоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Зухра ФАЙЗИЕВА,
Бектемир тумани 1-соғли давлат
нотариал идораси нотариуси.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил бола-лар учун).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёт билан).	Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.	Тўқувчилик — 2-3 ой.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Инглиз тили — 3 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Рус тили — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.	Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехкон бозори орқасида.	Барчаси амалиёт билан	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18 ⁰⁰ дан 22 ⁰⁰ гача).	Етоқхона мавжуд.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Филиал манзили: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.	Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.	Интернет — 1 ой.
Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)		

«ZENN-SHANS»

нодавлат таълим муассасаси

Абитуриентларни олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун куйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, тарих, инглиз, рус ва немис тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсдашлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарснинг юқори даражали сифатига кафолат беради. Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтаига 3 марта 2 соатдан дарс жаъвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Машғулотлар сентябрь ойидан 1 августгача — 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Охириги беш йилликда абитуриентларимиз 85-90% ўқишга қабул қилинди.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус, инглиз ва немис тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).
Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, Юнусобод дехкон бозори қаршида. «Ўқтамбанк» ёнида.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 221-35-56, 221-89-09.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Таҳририятга келган кўлемлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмун учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳилдар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 128. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 10034. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5